Машқлар бажариш ўзлаштиришни мустаҳкамлайдиган энг яхши ўқув жараёни хисобланади. Бу машқлар хар бир фанда ўзига хос мазмунда бўлади. Машқлар бажариш жараёнида, кўпинча, ўқувчи-талабанинг барча сезги аъзолари ниттирок этиши билан унинг эслаб қолиш даражасини ошириш орқали педагогик имкониятлар янада кенгайди.

Машқлар ўқиш, ёзиш, сўзлаш, фикрлаш, хисоблаш, турли харакатлар бажариш, куриш-ясаш, чизиш, бўяш, мусика чалиш, кўшик айтиш, мисол, масала, тестлар ечиш, компьютер билан ишлаш, асбоблар, станоклар ва бошқа техника воситалари билан ишлаш, материалларга турли иншоолар бериш, далада, фермада, курилишда ишлаш, турли рўзгор ишларини бажариш, жисмоний ва спорт машқлари, уй-ичкилик ўйинлари, мусобақа, кўрик танлов ҳамда бошқалардан иборат.

Машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талаба
фаолияти ва воситалар

Ўқитувчи	Воситалар	Ўқувчи-талаба	Воситалар
Машқ Бажариш тартибинини кўрсатиб бериш	Масалалар Топпириқлар Тестлар Асбоблар Станоклар Жихозлар	Кузатиш Тушуниш Машқ бажариш Такрорлаш Ўзлаштириш	Диққат Тарфакур Хотира Асбоблар Материаллар Машқ
Тушултириш Савол-жавоб Раҳбарлик Назорат	Материаллар Компьютер Уйга вазифа	Савол-жавоб Езиш, чизиш, хисоблаш Харакатларни бажариш Курши-ясаш Уйга вазифани бажариш	Материаллар дафтари ва бошқалар
		Фикрлаш ва бошқалар	

Машгулот вақтининг кўпроқ қисми машқлар бажаришга сарфланиши, албатта, яхши натижалар беради. Ўқитувчи фаолиятидаги раҳбарлик ва назорат алоҳида масалалар бўлиб, ҳар бир машгулотнинг мақсад ва мазмунига мувофиқ амалга оширилади.

Назоратнинг энг ҳақиқий ва тўғри тури ўз-ўзини назорат қилиш ҳисобланади. Бу педагогик технологиянинг барча иштиракчилари, яъни ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларга тегишли. Лекин маълумки, кўпинча, одамларда ўз-ўзини катъий назорат қилиш одатга айланмаган, бунинг учун кўп ҳолларда ирода етишмайди. Шунинг учун ўқувчи-талаба фаолиятини назорат қилиш ўқитувчи ва ота-оналар томонидан ҳамкорликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бунда назорат учун ҳалдан олтиқ вақт сарфламасликка

этибор бериш, ўқитувчининг асосий иш вақти назорат учун эмас, ўқувчи-талабаларга кўпроқ билим бериш учун сарфланишига эришиш лозим.

Агар ўқувчи-талабаларнинг ўқиб мотивлари, иштироқларнинг бошидан охиригача диққатни жамлаши, элаб қолиши, хотирада сақлаши ва ўрганганларини амалда мустақил қўлай олиши каби кўрсаткичлари мунтазам ривожда, 100 % бўлганда эди, ана шундангина уларнинг ўлиштирилларини назорат қилишга вақт сарфламаслик мумкин бўлар эди. Лекин амалда бундай эмаслиги ҳаммага маълум, шу сабабдан ҳозирда назоратнинг рейтинг, тест, мониторинг усуллари янада такомиллаштирилган ҳолда амалга жорий қилинмоқда.


Мавжуд педагогик технологиялар аслида юқорида айтилган сўзлаш, кўрсатиш, машқдан иборат учта таркибий элементнинг ҳар турли комбинацияларини ташкил қилади. Улар бир-биридан таълим-тарбиянинг айрим йўналишига, мазмунига ва усулларига алоҳида эътибор берилгани ҳамда унга мувофиқ мақсадларга қаратилгани билан фарқланади.

Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбиявий қарашларида ҳам ўзига хос педагогик технология элементларини учратилишимиз мумкин.

Масалан, Бурхониддин аз-Зарнужий (1150 йилда тутилган, вафот этган йили номаълум) Марғилон шаҳрида яшган. Ҳазратнинг «Таълим олувчига таълим бериш ва таълим бериш йўллари» номли рисоласида илим ўрганиш, касб-ҳунар ўрганишининг асосий шартлари сифатида энг аввало, ўқувчи-талабада жиддий истақ, катъият ва нон (яъни озик-овқат) бўлиши лозимлигини, шундан кейин яхши муаллим ҳамда отарлигача вақт зарурлигини ёзган.

Бунда таълим-тарбиянинг юқори самарадорлиги, аввало ўқувчи-талабага, яъни унинг жиддий истаги ва катъиятга боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилгани алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу эса ҳозирда ўқувчи-талабаларга мотивлар қанчаллик мустаккам бўлиши ҳал қилувчи омил эканлиги тўғрисидаги

Педагогик технологиянинг умумий чизмаси



Ушбу схеманинг айрим жиҳатларини қисқача баён қиламиз. Схемадати асосий тушунча **педагогик технология жараёнидан** иборат. Бу жараённинг бошланишидан охиригача диагностика олиб борилади. Унда ўз-ўзини диагностика қилиш, назорат диагностикаси, жорий, оралик ва якуний текширувлар тест синовлари, рейтинг тизими, улуқсиз, даврий ва якуний мониторинг ва бошқа шаклларда олиб бориш назарда тутилади.

Таълим менежменти ва маркетинги педагогик технологиянинг замонавий ижтимоий, иқтисодий ва бошқа талабларга мувофиқлигини аниқлаган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ қилиш масалаларини ҳал қилади. Шунингдек, долзарб йўналишларни аниқлаб, мутахассислар учун тақрифлар тайёрлайди, тегишли тартубда бизнес-режалар тузиш ва уларни амалга ошириш билан шуғулланади. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал қила олиш учун таълим менежменти ва маркетинг соҳаларига чуқур ва

хулосаларнинг кўп асрлар олдин ҳам ҳисобга олинганлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, етарлича вақт кераклигини таърисидаги фикр ҳам жуда қимматли бўлиб, ҳозирда барча ўқув фанларини мустақил фикрлаш асосида чуқур ўзлаштириш учун ўқувчи-талабада вақт етишмаслиги маълум. Шунинг учун Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошфий ва бошқа йирик мутафаккирлар ҳам таълим-тарбия ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда асосий эътиборни ўқувчи-талаба, шогирд, муридининг бажариши талаб қилинадиган асосий шартларга қаратганлар.

Ушбу талаб ҳозирги энг сўнгги педагогик технологияларда янги кашф қилинган қоида сифатида қаралмоқда. Бунда ўқувчи-талаба бажариши талаб қилинадиган ўқув фаолиятининг аниқ алгоритмларини яратиш ва қўллаш ғояларига асосланган замонавий педагогик технологияларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Буларга таълимнинг жамoa тизими, қобилиятлар даражасида таълим беришнинг демократик тизими ва бошқалар мисол бўла олади.

Шунингдек, таълим ва тарбия олувчининг фаолиятига асосий аҳамият берган қадимги таълим технологияларидан бири – сўфийликда қўлланилган таълим-тарбия тизими ҳисобланади. Бунда шогирдининг ўзи ўзлаштирган билимларини бошқаларга ўрнатиш билан шуғулланишини кўзда тутувчи тамойилга риоя қилинганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Бунда шогирдининг таълим олиншга бўлган истаги канчалик жиддийлиги ҳамда таълим олинш йўлидаги қийинчиликларга чидаши ва уларни енгиб ўтишга тайёрлиги даражаси каттик, кўпинча қўтилмаган кескин синовлардан ўтказилган.

Педагогик технологиянинг умумий схемаси ҳақида Куйидаги 8-чизмада педагогик технологиянинг асосий таркибий тузилиши ва таркибий бўлаклари орасидаги боғлиқликлар умумий тарзда акс эттирилган.

пухта билимга эга ҳамда тажрибали мутахассислар жалб қилинади.

Методист-технолог таълим-тарбия соҳасидаги долзарб йўналтишлари, мавзуларни аниқлаш, мавжуд тизимнинг ютуқ ва камчиликларини ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш, тақрифлар тайёрлаш ишларини бажарали. Ингир педагогик технологияларни яратиш, жорий қилиш, олиб бориш ва такомиллаштиришда зарур ёрдамлар кўрсатади.

Таълим максали ҳар бир педагогик технологияни яратишдаги асосий сабаб ҳисобланади. Максалининг замонавий таълим-тарбия муаммоларини юқори самарадорлик билан ҳал қилишга қаратилган бўлиши зарур асос ҳисобланади. Шунинг учун бирор педагогик технологияни яратиш учун энг зарур шарт шундай долзарб максални аниқтай олишдан иборат. Бундай максални зарур талқиқотлар, ижодий изланишлар олиб бориш, ўзининг ва бошқа мутахассисларнинг иш тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Бундай максаллар юқори **рақобатбардошликни** таъминлашга йўналтирилиши хозирги талабалардан келиб чиқади.

Рақобатбардошлик ҳар бир педагогик технологиянинг максалга мувофиқлигини, бозор иқтисодиёти нуктаи назардан айтганда эса у ўз вазифаларини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ бажарётганлиги даражасини белгилайди. Бу эса унга бўлган талаб юқори бўлишини таъминлаш учун мунтазам такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Рақобатбардошлик педагогик технологиянинг барча таркибий қисмлари учун энг зарур шарт бўлиб, бунда яқиний натижани бевоқифа тайёрловчилар бўлган ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг рақобатбардошлигига эришиш асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Таълим мазмуни белгиланган максалга мувофиқ йўналтиш ва ҳажмга эга бўлади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасвирланади.

Таълим мазмуни турлича белгиланиши ҳамда унга зарур ўлғаришлар киритиш, янгилаб бориш имкониятлари назарда тутилши лозим. Белгиланган мазмун асосида ўқув фанлари, ўқув соатлари, машғулот турлари ва шу кабилар аниқланади.

Мотивлар ижтимоий, шахсий, оилавий, касбий мотивлар бўлиб, улар: Биринчидан, ўқувчи-талаба, она-оналарнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжлари, максаллари, манфаатлари, қизиқишларини ифода этади. Иккинчидан, ўқитувчи ва педагогик технология бошқа илтироқчиларнинг касбий эҳтиёж, максал, манфаатларини ифода этади.

Педагогик технологияни амалга оширишда мотивлар мунтазам ҳисобга олиб борилиши зарур. Педагогик технологиянинг такомиллаштириб боришда мотивларнинг вақт ўтиши билан бошқа сифатга ўтиб боришини жиждий равишда ҳисобга олиб бориш лозим.

Ўқитувчи педагогик технологиянинг энг асосий илтироқчиси ҳисобланади. Шунинг учун унинг касбий билим, кўникма, малака ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, бу максаллар учун зарур шароитларни яратиб бориш лозим.

Ўқитувчи фаолияти таълим мазмунини тулиқ ва самарали бажариш орқали таълим максалини амалга оширишда, мотивларни қондиради, рақобатбардошликни таъминлайди. Бу вазифаларни ўқувчи-талабаларга чуқур ва пухта таълим-тарбия бериш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўқувчи-талаба педагогик технологиянинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Унинг ўқитувчи раҳбарлигида билимларни ўзлаштириши, таълим-тарбия олиши, мустақил фикрлаши ва ишлашга ўрганиши жараёнида юқори

натижаларга эришиши орқали асосий мақсад амалга оширилади.

Шу нуктага назардан ўқувчи-талабанинг олган билим, кўника ва маљақаси, компетентлиги, таълим-тарбияси педагогик технологиянинг яқиний махсулоти хисобланади.

Методлар, воситалар педагогик технология жаратинини ҳаракатга келтирувчилар хисобланади. Уларнинг канчалик ўтғри ва сифатли қўлланилиши кутилаётган натижанинг кандай даражада бўлишини ҳал қилади. Улар ҳар хил шароитларга мослашувчан бўлиши, зарур ҳолларда янгиланиб бориши назарда тутилди.

Қобилиятлар ўқувчи-талабанинг муваффақиятлари учун зарур асосдир. Яқши қобилиятли ўқувчи-талабанинг юқори натижаларга эришиш имконияти юқори бўлиши маълум. Лекин шунга қарамай, пастроқ қобилиятли ўқувчи-талаба ҳам қулай шароитлар яратилган ҳолда анча юқори натижаларга эришади. Шунинг учун педагогик технология жарёнида ўқувчи-талабанинг қобилиятларини жиддий равишда хисобга олиш, унга мувофиқ бўлган метод ва воситаларни ўқувчи-талабанинг шахсига қаратилган ҳолда қўллаш лозим.

Натижалар ўқувчи-талабалар олган таълим-тарбия даражаси билан белгиланади. Буни айрим ўқувчи-талаба учун алоҳида ҳамда барча ўқувчи-талабалар учун умумий ўртача даражаларда белгиланади. Бу даражалар турли диагностика кўрсаткичлари орқали аниқланади. Натижалар самарали бўлса, педагогик технологиянинг узок вақт қўлланилиши таъминланади.

Юқорида берилган 8-чизмада асосий боғлиқликлар кўрсатилган бўлиб, улар ҳақида тегишли ўринларда зарур фикрлар айтиб ўтилди.

Педагогик технология ҳақида юқорида баён қилинганлар асосида намуна сифатида айрим педагогик технологиянинг тафсилотини келтириш учун ушбу китоб ҳажми чеклангани имкон бермади.

8.2. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АМАЛДА ҚўЛЛАШДА НИМАЛАРНИ ХИСОБГА ОЛИШ КЕРАК?

Ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар бир фан учун айрим педагогик технологияларни қўпроқ мос деб хисоблаш ўтғрисидаги фикрлар учрайди. Бу ҳақида айтиш мумкинки, аслида умумтаълим мактабларида қўлланилаётган барча педагогик технология турларини леярли ҳамма фанларни ўқитишда ишлатиш мумкин. Тап фикрат қайсидир фан учун қайсидир технология бошқаларга нисбатан қўпроқ қўлланиши ҳақида бўлиши мумкин.

Шу нуктага назардан, бирор фан бўйича айрим мавзудати дарсни ташқил қилиш ва амалга оширишда энг аввало, барча ўқувчи-талабалар пухта ўзлаштирилиши таъминлайдиган педагогик технологияни танлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, бир хил дарс усулларини қўл қўллаш натижаида уларнинг ўқувчи-талабалар учун қизиқарлилиги пасайиб, қилрисиэланлишга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу масалада хисобга олиниши лозим бўлган асосий омиллардан бири ўқув нақтидан унумли ва тежамли фойдаланишга эришиш хисобланади.

Шу муносабат билан ҳар бир дарс мавзусини кам вақт сифрлаб, юқори самара билан ўзлаштиришга эришишни назарда тутиш лозим. Бунинг канчалик жиддийлигини қонирда ўқув фанлари учун ажратилган ўқув соатлари катъий чекланганлиги ва олимпиа, методистлар, амалиётчи педагоглар айнан ўз фанлари бўйича ўқув соатлари қўлтирилиши лозимлигини асослашга интилишлари кўрсатиб турибди.

Маълум ўқув ахборотини ўқувчи-талабалар ўзлаштиринини таъминлашда турли педагогик технологиялар учун турлича миклорда вақт талаб қилинади. Бу масала бўйича пиликкотлардан маълум бўлишича, бир хил ҳажмдаги ахборотни ўқувчи-талабаларга муаммоли таълим усулида

етказиш учун анъанавий ўқитишга нисбатан бирмунча кўп вақт талаб қилинади. Ҳалқаро амалиётда аниқланган статистик маълумотларга кўра, мазруза шаклидаги 100 хафталик ўқув курси муаммоли таълим шаклидаги, тахминан 120 хафталик ўқув курсига тўғри келади. Муаммоли таълим методикалари бўйича машғулотларга тайёрларлик кўриш ҳам мазрузаларга тайёрларлик кўришга нисбатан бирмунча кўп вақт талаб қилади.

Бунда ҳозир, ҳаттоки, анъанавий ўқитишнинг ўзи ўқувчи-талабаларга барча талаб қилинадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳажминини етказиб бериш учун вақт етишмаслиги ҳолатида эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Худди шунингдек, бир хил ҳажмдаги ўқув ахборотини ўқувчи-талабаларга етказиш учун турли педагогик технологиялардан фойдаланилганда, турлича миқдордаги ўқув вақти сарфланиши маълум. Масалан, интерфаол таълимда, одатда, бошқа методларга нисбатан кўп вақт сарфланади. Ундан ташқари, интерфаол усуллар барча дарс мавзулари учун бир хилда қулай эмас. Лекин бу методни ҳам қайси дарс мавзулари учун қулайлигини аниқлаб, олдидан пухта ўйлаб, тежамли ва унумли таъкил қилиш мумкин.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир дарс мавзуси бўйича педагогик технологиялар орасидан энг унумли ва тежамлисини илмий, методик ва амалий жиҳатлардан тўғри танлаш зарур.

Таълим жараёнига илгор педагогик технологияларни

киритиш механизми

1. Педагогик жамоани илгор педагогик технология асослари билан таништириш мақсадида ўқув машғулотлари таъкил қилиш. Адабиётлар тавсия этиш.

2. Илгор технология асосида ишлашни хоҳловчи педагоглар гуруҳини шакллантириш. Улар орқали барча

ўқитувчиларга педагогик технологияни қўллалдан кўзда тутилган мақсадни, унинг моҳиятини етказиш.

3. Илгор педагогик технология асосида ишламоқчи бўлган ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлаш юзасидан қўлидаги таъкилий ишларни амалга ошириш:

– семинар;

– тренинг;

– индвидуал маслаҳат бериш;

– очик дарслар таъкил этиш.

4. Илгор педагогик технология асосида ишловчиларнинг назорат қилиш, кузатув ва тахлиллар ўтказиш, методик ёрдамлар кўрсатиш. Уларнинг ҳисоботларини шиктиб бориш.

5. Илгор педагогик технология асосида ишловчи ўқитувчиларнинг методика кенгашида, педагогика кенгашида чикишларини таъкил этиш.

6. Илгор педагогик технология бўйича ишлаш учун зарур дидактик материаллар, воситалар хонасини таъкил қилиш.

7. Илгор педагогик технология бўйича ишлашнинг шриқиликларини, унинг ўқувчи-талабалар, ота-оналар, педагогик жамоа томонидан қўллаб-қувватланишини ошқор этиб бориш.

8. Илгор, инноватор педагог ёки гуруҳдан инноватор-педагог жамоани шакллантириш.

9. Таълим муассасасида ижодий муҳит, илгор педагогик жараёнини узлуксизлиги, давомийлигини таъминлаш.

Ҳар бир таълим муассасаси ўз педагогик жамоасининг умумпедагогик тайёрлиги, истак ва хоҳишларига мувофиқ педагогик технологияни жорий этиш стратегияси ва шиктиқасини ўзига мослаб режалаштириши мумкин.

Илг'ор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида ўқитувчилар билан ташкил қилинган тадбирлар

- Яқка ҳолда ишлаш, мустақил ўқиш (таълим муассасасида, онлада).
- Жуфт бўлиб ишлаш (таълим муассасасида).
- Кичик гуруҳда ишлаш (таълим муассасасида, туманда).

• Катта гуруҳда ишлаш (таълим муассасасида, туманда) шаклларида амалга оширилади.

Марбуза, суҳбат, мунозара, тажриба алмашиш, интерфаол машғулотлар ва шу кабилар ташкил қилинади. Бу жараёни олиб боришда куйидати тамойиллар, қондлар ва мезонларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Машғулотта кечикмасдан этиб келиш, вақтдан унумли фойдаланиш, ўзининг ва ўзгаларнинг вақтини қадрлаш, фикр-мулоҳазалар билдиришда асосий мақсаддан четга чиқиб кетмаслик.

Машғулотлар учун қабул қилинган интизом қондларига катъий риоя қилиш.

2. Ҳамкасбларнинг фикр-мулоҳазалари ва тажрибаларига ижобий муносабатда бўлиш. Улар билан ҳамкор, ҳамжихат бўлиш.

3. Танқид қилмаслик, танбех бермаслик. Ҳар қандай вазиятда сўзловчинни диққат билан эшитиш, бошқалар фикри, нуқтаи назарларига кенг феъллик билан ёндашиш. Уларни ўзи қандай бўлса, шундайлигича қабул қила олиш.

Нотўғри фикр билдирилганга нисбатан кескинлик қилмаслик. Бундай ҳолларда ўз қарашларини, ҳақиқатни аниқ, тушунарли, мантқий ва далиллар билан асослаб баён қилиш.

4. Сўзлашда аниқликка, тинглаётганлар учун тушунарли ва қисқа гапиришга жиддий эътибор бериш. Бошқаларнинг сўзини бўлмаслик, навбат билан гапириш.

5. Ўқувчи-талабалар биллишини хоҳлаган вақтда ва улар учун аҳамиятли бўлган фикрларнинггина билдириш.

6. Катнашчилар ўз фикрини билдира олиши учун имконият бериш, бунинг учун қулай вазият яратиш ҳамда ижобий муносабат билдириш.

7. Муҳокамагарда ва ўзаро муносабатларда ҳолислик ва санимийликка риоя қилиш. Хушёр, зийрак, сезгир, сертак бўлиш. Иштирокчиларнинг жинси, ёши, ҳолатига қараб муносабатда бўлиш.

8.3. ТЕХНОЛОГИК МЕЗОНЛАР

Таълим жараёнининг педагогик даражасини баҳолашнинг муҳим мезонлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

1) диагностика (ташхисли) юқлатилган мақсад жараёнининг барча ўқувчи-талабалар томонидан англаниши ни тушунилиши;

2) мавзу мазмунини қоллаштириш, яъни ўрганилаётган материалнинг назарий мазмунини уни ечининг амалий ва илтирий вазифалари тизими сифатида тасаввур қилиш;

3) жараён иштирокчиларининг ҳар бир босқичда ўзаро таъсир усулларини кўрсатиш (фаолиятни илг'оритмлаштириш);

4) фаолиятнинг мақсадини белгилаш;

5) инвариантгли (ўзгармас) ва вариантв (ўзгарувчан) тиркибий қисмларнинг муқобил уйғунлашуви, яъни қонув-қондларни, ижодий фаолиятнинг чегараларини кўрсатиш;

6) натижаларнинг тақрорланиши ва қаролатланганлиги.

Педагогик технологиянинг тажриба-синовлари

Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар орасида тажриба-синовларни ташкил қилиш ва олиб бориш муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун ушбу тажриба-синовлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Педагогик тажриба-синовлар ўтказишнинг асл моҳияти амалдаги педагогик жараёнларни такомиллаштиришга олиб борадиган тадқиқотлар ва уларнинг фаразларига мувофиқ равишда аниқ мақсад сари йўналтирилган янги йўналиш, мазмун, усул, воситалар ва янги таълим-тарбиявий муҳит яратишдан иборат.

Масалани аниқ тасаввур қилиш учун асосий тушунчаларнинг таърифларини аниқлаб олишимиз лозим.

Тажриба-синов – бу тафаккур методи бўлиб, унинг ёрдамида табиий ёки сунъий тарзда яратиладиган, назорат қилинадиган, бошқариладиган жараёнлар тадқиқ қилинади ва муаммоларни ҳал қилишнинг янгича воситалари изланади.

Педагогик тажриба-синов – бу илмий-педагогик тафаккур методи бўлиб, педагогик омиллар, шарт-шароитлар, жараёнлар ўртасидаги сабаб ва оқибат билан боғлиқ ҳолда ўрганиладиган бир ёки бир неча объект ёхуд тизимларни аниқ режалар асосида ойдинлаштириш имкониятини берувчи жараён.

Назарий метод – педагогик технологияни моделлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, қисқаш, умумлаштириш, табақалаштириш, унинг тизимларини интеграллаштириш ва бошқа жараёнлардан иборат.

Эмпирик метод – тажриба-синов мавзусига оид маълум бўлган адабиётлар, кўшимча манбалар, ғоялар ва тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида тажриба-синовга оид фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини яратиш, сынаб кўриш ва амалиётта татбиқ қилиш методи.

Тажриба-синовларни амалга ошириш натижасида ҳар хил кўтилмаган ҳулоса ва натижалар олинishi мумкинлиги назарда тутилishi лозим. Бунинг сабаби шундаки, тажриба-синовлар яқини ҳамма вақт ҳам кафолатли натижаларни беравермайди.

Тажриба-синовларга киришишдан олдин шу соҳага доир энг мақсадга мувофиқ иш методини белгилаб олиш

муҳимдир. Бу методлар, асосан, юқорида айтилган назарий ҳамда эмпирик тажрибаларга асосланган икки асосий гуруҳга бўлинади.

Тажриба-синовга мавзу қилиб олинган муаммага боғлиқ бирча мевърий ва методик ҳужжатлар, тавсиялар, йўриқнома-ларни ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади.

Ўрта ва олғи таълим муассасалари фаолиятига доир турли ҳужжатларни таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар олиб бориш, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, анкета ва тест сиволларига жавоблар олиш, турли илгор тажрибаларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам педагогик тажриба-синовларга ёрдам беради.

Тажриба-синов ишларини ташкил қилиш куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Педагогик технологиянинг тажриба-синов дастурини тайёрлаш.

2. Дастурни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш:

– тажриба-синов ишларининг моддий базасини яратиш;

– бошқарув вазифаларини тақсимлаш;

– кадрларни бу жараёнга махсус тайёрлашни ташкил қилиш.

3. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш.

4. Тажриба-синовда иштирок этган педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

5. Илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчи излаш, танлаб олиш ва уларни тажриба-синов ишларига жалб этиш.

Тажриба-синов дастурини тайёрлашда куйидагилар назарда тутилди:

1. Тақриф қилинаётган педагогик технологиянинг дол-зарбалигини асослаш. Унинг асосий мазмунни баёни.

2. Тажриба-синов объектини аниқлаш.

– педагогик жамоа;

– ўқувчи-таълабалар;

– тарбиявий иш тизимлари ва бошқалар.

3. Тажриба-синов предмети.

4. Тажриба-синов максадлини талкин этиш:

— янги методика;

— янгича табакалаштириш;

— янги дастур ёки ўқув режаси;

— маълум технологиянинг янгича варианты;

— янги методик ишланма ва бошқалар.

5. Тажриба-синов вазифаларини умумий ҳамда хусусий

максаллар бўйича аник белгилаш.

6. Тажриба-синовнинг аник методикалари ва методла-

рини танлаб олиш.

7. Тажриба-синов муддатини белгилаш.

8. Тажриба-синов боскичларини белгилаш.

9. Талаб килинадиган вақт микдорини белгилаш.

10. Тажриба-синовнинг аник базасини аниқлаш.

11. Тажриба-синовдан кутилган натижаларни баҳолаш

мезонларини танлаб олиш.

12. Кутилаётган натижаларни белгилаш.

13. Тажриба-синов дастурини экспертиза килиш

тартибини белгилаш.

14. Тажриба-синов жараёни натижаларини кузатиб

бориш, назорат килиш қонидларини белгилаш.

15. Тажриба-синов натижалари расмийлаштирилиши-

нинг тартибини белгилаш.

Педагогик технология мониторинги


Педагогик технология самардорлигини баҳолашнинг ишонарзлигини таъминлаш учун унинг мониторинги олиб борилади. Таълим-тарбия соҳасида мониторинг, деб ўқув жараёни ва уни бошқаришнинг узок давом этадиган узлуксиз кузатувини олиб боришга айтилади.

Мониторинг педагогик технологиянинг баҳосини шакллантиришга мўлжалланган воситалардан тапшиқ топган тизим орқали амалга оширилади.

Бунни қуйидаги чизма орқали яққол ифодалаш мумкин:

160

9-чизма. Педагогик технология мониторинги жараёни схемаси



Мониторинг тизимларини яратиш учун турли педагогик технологиялар ва уларнинг таркибий қисмлари моделларидан фойдаланиш мумкин.

Педагогик технологияни бир неча нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Булардан бири мақсад ва натижа модели бўлиб, улар қуйидаги босқичлардан иборат:

— жараёни баҳолаш;

— натижани баҳолаш;

— натижаларнинг қўйилган максалларга мослигини аниқлаш;

— тизимнинг бошланғич ва якуний аҳоли нисбатини баҳолаш.

Педагогик технология харитаси

Педагогик технология харитаси — фойдаланилаётган воситалар кўрсатилган ҳолда, ҳаракатлар кетма-кетлиги босқичлари ифодаланган жараёнинг ёзилиши.

Технологик харитада технологик жараёнинг шартини ифодаловчи мантқий боғланишлар акс этади. Чунки, технологик харита маълумотни тайёрлаш ва ўтказиш профилидир. Демак, ҳар бир фан мавзуси учун технологик харита тайёрланади. Унда ўқувчи-талаба, ўқитувчи, ўқув материаллари, воситаларнинг ўзаро ҳаракатлари қаламбандим акс этиши лозим.

Технологик харита — бўлажак дарс жараёнининг моделиси. У қуйидаги тартибда лойиҳаланган:

1. Мавзунини аниқлаш.

2. Мақсадни аниқлаш.

161

3. Ўзлаштирилиши зарур бўлган калит сўзларни белгилаш.
 4. Гуруҳларда ишлаш учун вазифа вариантларини тайёрлаш.
 5. Технологик жараёнини тапшиқил этиш.
 6. Регламентни белгилаш.
 7. Таклимот ўтказиш.
 8. Баҳолаш.
 9. Натижалаш.
 10. Хулосалар чиқариш.
- Технологик харита берилган вақт доирасида ўқувчи-талабанинг ўқув-билув фаолиятини тапшиқил этиш ва бошқаришни лойиҳа асосида амалга оширади. Шубҳасиз, лойиҳаланган педагогик технологиялар амалиётга жорий этилса, яқиний натижа кафолатланади. Бу эса олдиндан белгиланган мақсадга эришишдир.

Дарснинг технологик харитаси

Хар бир ўқитувчи бўлажак дарснинг технологик харитасини тузиб олиши муҳим аҳамиятга эга. Дарснинг технологик харитаси хар бир мавзу, хар бир дарс учун ўқитилётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Хар бир дарснинг ранг-баранг ва кизиқарли бўлиши пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қандай шаклда тузиш ўқитувчининг тажрибаси, кўйган мақсади, шу билан бирга, ўз ихтиёрига боғлиқ. Технологик харитани тузиш технологиясига эга бўлгандан кейин педагогнинг янгича фикрлаши бошланади. Бунда аниқлик, тузилмавийлик, методик тилнинг тиниқлиги, методикада асосланган мەъённинг вуждуга келиши кузатилади.

1) Технологик харита тузиш ўқитувчини кенгайтирилган концепт ёзишдан халос этади. Чунки, унда дарс жараёнининг барча кирралари ўз аксини топади: дидактик материаллар, топшириқлар, вазифалар.

2) Технологик харитада ўқув жараёнининг асосий ўлчамлари аниқ ва тўлиқ ифодаланади. Бу ўлчамлар:

- мақсадга мувофиқлик;
- диагностикага асосланганлик;
- вазифаларни мезърлаш;
- лойиҳанинг мантаний тузилмаси;
- коррекциялаш (тузатишлар киритиш);
- ўқув-билув, яъни ўқитиш усулларининг муваффақиятини кафолатлайди.

3) Технологик харита асосида ўқув жараёни куйдиғича кечиди: билиш, бажара олиш, тушуниш, тасаввурга эга бўлиш, тавсифлай олиш, таклимот эга олиш.

4) Илгор технологиклар, инновацион технология ва интерфаол таълимда:

- мавзу олдиндан лойиҳалангани;
 - таълим мазмунини ўзлаштириш кафолатланади.
- Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш технологик харита кўринишида бирлаштирилган бешта блокдан иборат. Улар:

- мақсад кўйиш;
- тапшиқил килиш;
- ўқув жараёнининг мантаний тузилмаси;
- ўзгартиришлар киритиш;
- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини қисмларга ажратиш.

Демак, технологик харита дарс жараёнидаги фаолиятни лойиҳалаштириш, таълим мазмунини бойитиш, таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчи-талабанинг мавзу билан билгим, кўникма, малака ва компетенцияларни тўла ўрнаттирилиши кафолатладан иборат. Бунда ўрганилган таълим мазмунини тўла ўзлаштириш кафолатланади.

8.4. ТАЪЛИМНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Таълим жараёнини технологизлаштиришнинг икки жиҳати алоҳида қайд этилади: 1. У олдиндан лойиҳаланади. 2. Яқиний натижани кафолатлайди.

Таълим жараёни илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида канчалик технологизлаштирилмасин, пировард натижага эришиш, яъни пухта, чуқур билим бериш, юқори интеллектуал салоҳиятга, рақобатбардошликка, самарадорликка эришиш бевосита назарий ва амалий машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчининг касбий малакасига, маҳоратига, компетентлигига ижодкорлигига, илгор технологияларни, инновацияларни ўз педагогик фаолиятига олиб кириш ва қўллай олишига боғлиқдир.

Таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ўқувчи-талабанинг ўқув мазмунини қай даражада ўзлаштиришига, объект-субъект шаклида ташкил этилаётган машғулотларга, уларнинг мустикал фикрлай олиши ва тафаккур фаолиятига боғлиқ.

Замонавий педагогик технологияда ўқув мақсадини аниқлаш ва таълим жараёнини технологизлаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаштириш куйидагиларни кўзда тутди:

— ўқув жараёнида ўқувчи-талабанинг фаоллигини ошириш, унинг бевосита иштирокини таъминлаш, уни ҳамкорликка чакириш;

— ўқув режада кўзда тутилган дастурлар, қўлланма ва матбуза матнлари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

— таълим мазмунини, матнларни мустикал мутолаа қилиш кўникма, малака ва компетенцияларини ҳосил қилиш;

— ўқувчи-талабани ўз фикрини билдира олиш, ҳамок қила олиш, исботлай олишга одатлантириш;

— бўлгуси ўқитувчиларни тарбияланувчиларга қадрият муносабатларда бўлишини шакллантириш;

— таълим технологияларини ўқув жараёнига таъбиқ этиш орқали ўқувчи-талабаларнинг қизиқишини, мотивациясини ошириш.

Таълимни олиб боришда педагогик мотивлар, эҳтиёжлар, манфаатдорлик ва мақсадларни кўзда тутган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш зарур. Профессор-ўқитувчининг ўз предмети бўйича технологияларни лойиҳалаш, технологик хариталарни туза олиш малакасини эъллаши таълим жараёнини самарали ташкил этишига олиб келди ва педагогик технологияларнинг касбий тафаккур усули ва маҳсули сифатида эътироф этилишига имкон берди. Бунинг учун:

1. Хар бир профессор-ўқитувчи ўз шахсий дастурига эга бўлиши, илгор технологияларни эъллаши учун уйда, дарсдан бўли вақтида, кутубхонада, электрон дарслик, интернет орқали ўз малакасини тизимли равишда ошириб бориши лозим.

2. Институт ёки кафедра қошида доимий фаолиятдаги профессор-ўқитувчиларнинг илгор педагогик технологияни ўрганиш маҳорат мактабини ташкил этиш, тренинглар, семинация, илгор технология асосида ташкил этилган машғулотлар юзасидан ўзаро таъриблар алмашини машғулотларини ташкил этиш лозим. Ўқув жараёнида ўқувчи-талабанинг субъёкт даражаси, айнан шу йўналиш, дидактика назарияси томонидан эътироф этилган.

Ўқув жараёнини куйидаги рамзий формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$ДЖ = М + ЎФ + Б$$

Бунда, ДЖ — дидактик жараён, М — ўқувчи-талабанинг ўзини бўлган мотивацияси, ЎФ — ўқувчи-талабанинг ўқув фаолияти, Б — ўқув жараёнини бошқариш.

Илгор педагогик технологияларга куйидаги таълим технологияларини киритиш мумкин:

1. Матбуза, семинар ва рефлексияли таълим технологиялари.

2. Модулни, блок модулни таълим технологиялари.
3. Дойихалаштириш методи асосидаги таълим технологиялари.
4. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.
5. Муаммоли ўқитиш технологиялари.
6. Турли даражадаги таълим технологиялари.
7. Жамoa асосидаги таълим технологиялари.
8. Илмий изланиш вазифаларини ечиш технологиялари.
9. Талкикот методларидан фойдаланиш технологиялари.
10. Дебатларга асосланган таълим технологиялари.
11. Танкидий фикрлашга асосланган таълим технологиялари ва х.к.

Биз юкорида келтирилган таълим технологияларининг баъзилари хакида фикр юритамиз.

Фойдаланилган — мaърузалар технологияси — хозирги педагогик технологиялар тизимида мaъруза ўзига хос модул, уни тайёрлаш ва ўтказиш кичик педагогик технология жараёнидан иборат. Бу жараён дастлаб, мaъруза учун материалларни тўллаш, ўрганиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, тегишли амалий вазифаларни белгилаш ва уларни сифатли амалга ошириш юзасидан тавсияларни шакллантириш босқичларидан иборат.

Мaъруза мазмуни ва унинг мавзусини тўла камраб олиш учун уни таркибий блокларга ажратиш яхши натижа беради. Бу назарий, методик, амалий, хулоса, назорат ва тавсия каби блоклардан иборат бўлади.

Юкорида келтирилган таркибий блокларни шартли равишда қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаш мумкин:

Мaърузанинг ушбу блокларини хосил қилувчи материаллар ўзига хос модуллар ва алгоритмларни ташкил қилади.

Мaъруза модуллари — мaъруза ўқув материалларини ташкил қилувчи таркибий бўлаклар.

Модуллар бирламчи, турли даражада умумлаштирилган ва айрим модулларга ажратилиши мумкин. Мaърузанинг

модулни тизимида материалларни тўлик кичик ҳамда йirik модулларга ажратиб олиш жуда хам зарур. Шундангина, хар бир мaърузанинг мунтазам равишда тўлик, яхлит, бир бутун бўлиши таъминланади. Керак бўлганда айрим модулларни ўзгартириш ёки алмаштириш мумкин.

Мaърузанинг таркибий блоклари ва шартли саволлари *9-жадвал.*

Назарий	Методик	Амалий	Хулоса	Назорат	Тавсия
Нимага ўргатиш керак?	Қандай бажариш керак?	Нима учун керак?	Нима қилиш керак?	Тушунар-ликми?	Мaъқулми?

Мaъруза алгоритмлари — мaърузани амалга ошириш жараёнини унинг максалларига мувофик равишда ташкил қилиш босқичлари тартиби изчилишти алгоритмлар, асосан, модулларни амалга ошириш кетма-кетлигини белгилаш ва унга риоя қилиш орқали мaърузанинг бошидан охиригача аниқ максалга йўналтирилган катъий мантика эга бўлишни таъминлашга хизмат қилади. Мaърузани шундай таркибий блоклар асосида ташкил қилиш, албатта, унинг тишик-пухтали сифатли бўлишини таъминлайди. Мaърузанинг таркибий блоклари бўйича алоҳида кўргазмали материаллар тайёрлаш ва амалда қўллаш мaърузанинг тавсирчанлигини оширади. Мaъруза матнларида мавзу баёни мамлакатимизда рўй беритган ижтимоий, сиёсий ўғаришлар ва тараққиёт юксалиши жараёни, жўшқинлик, хаёт тарзи, фан ютуқлари ва инновацион жараёнлар, олий таълим тизимида миллий гоъ ва милливий-мaърифий, маданий, тарихий қадриятларни ўқувчи-таълибларнинг онг-у шуурига синглириш орқали уларни янгилашварлик, инсонлаварлик, бағрикенглик руҳида баркамол авлод бўлиб етишишларига эришиш, ўқувчи-таълибларнинг тушунча, билим, кўникма, малака ва

компетенцияларни ўзлаштиришлари зарурлигини назарда тутиш лозим. Шу билан бирга, таянч ситнал, схема, диатрамма, тасвирий материалларга алоҳида эътибор бериш керак.

Маврузани самарали ўтказиш – маврузачи ўз маврузасини бир неча блоكلарга бўлади. Хар бир блокни 15-20 минут давом эттиради ва хар бир блокдан сўнг тўхтаб, мавзу билан боғлиқ қисқа вақтги савол-жавоб, ўзаро фикр алмашув ўтказди. Ўқувчи-талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мухокама, мунозара ташкил қилди. Мавруза давомида мавзу юзасидан айрим муаммоларни ўртага ташлайди ва маълум вақт оралиғида бу муаммага ўқувчи-талабаларнинг муносабатини аниқлайди, уларнинг шахсий фикрини тинглайди. Хар бир фикр билдирувчига имконият яратди. Уларни диққат билан тинглаб, уни танқид остига олмай, бошқаларнинг фикрини ҳам тинглайди. Бу ҳолат маврузачига бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиради, маврузача бефарқ карамасликка сабаб бўлади. Ўқувчи-талабалар орасида ўзаро фаоллик пайдо бўлади. Мухокама этилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоларга қизиқиш ортади.

Ўқувчи-талабаларни яқка тартибда суҳбатга тортиш 5 минутгача давом этиши мумкин. Маврузачи тингловчиларнинг қизиқиши, интилиши, эҳтиёжи, хоҳиши, масъулияти ошиб боришини, дарс жараёнини бошқариб боради. Мавруза давомида мунтазам фаол иштирок этувчилар, теран фикр билдирувчилар маврузачининг таянчига айланади ва улар маврузачи томонидан рағбатлантириб борилади.

Мавруза давомида мавзу аста-секин ўқувчи-талабаларнинг кундалик фаолиятига доир мисоллар билан боғлаб борилади, ечимлар тавқидланади ва бундан ўз навбатида, ўқувчи-талаба мавруза мазмунининг кундалик ҳаётида нақадар зарурлигини хис этади. Мана шундай ҳолатда кечган маврузаларда ўқувчи-талабалар вақт кандай ўтганини сезмай қолишлар. Маврузанинг яна давом этишини хоҳлаб,

бефарқлик ўрнини хушёрлик, сезгирлик, ички интилиш, ички ишлаш эғдлайди, ўзлари ҳам ечимини топишда шахсан иштирок этиб, хисса қўшишга интиладишлар ва улар маврузанинг мазмунини ҳаётий мисоллар орқали ёритишда иштирокчиларга айланадилар.

Бундай маврузалар хар икки томоннинг ўзаро фаолигини оширади, вақт ўтганини сезмай, навбатдаги мунозараларга сабаб бўлади. Натича шу билан туғайдики, ўқувчи-талабада шу мавзу бўйича кутубхонага кириб, илмий-методик адабиётлар, қўлланмалар, даврий нашрлар интернет хабарлари билан танишиш истати, мустақил мутолаа қилишга эҳтиёж пайдо бўлиши ҳамда доимо ўз устида ишлаш кўникмасининг шаклланиши вужудга келади.

Маврузада ўқувчи-талабаларга ахборотнинг фақат тайёр ҳолда берилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда уни мустақил фикрлашга ўргатишга етарлича эътибор қаратилмай қолади. Шунинг учун турли муаммоларни амалиётга мос равишда ҳал этиш, саволларга ҳаётий жавобларни мустақил равишда топиш бўйича уларни фаолликка, ўйлашга, фикрлашга йўналтириш керак. Хар кандай мавруза симарадорлиги маврузачи профессор-ўқитувчининг маҳоратига, матн тузиш санъатига, ижодий ёндашувиغا, юксак эмоционал нутқ соҳиби сифатида ўзини намоён қилишига, ўқувчи-талабаларни ўз мавзуга қизиқтиришига боғлиқ бўлиб қолавереди.

IX БОБ. ДАРСНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Ўқув жараёнини, яъни дарсни лойихалаштиришда таълим мазмунини, максадини, натижаларини тўғри белгилаш керак. Таълим методлари, шакллари ва воситаларини ҳам тўғри танлаш керак.

Ўқувчи-тағабаларнинг билим, кўникама, малака ва компетенцияларини баҳолашнинг аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш зарур. Шу билан бирга, ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга оширишга эътиборни қаратиш лозим. Максалдни амалга ошириш ва қафолатилган натижага эришиш ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи-тағабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар кўйган максал, метод, шакл ва восита, яъни технологияга боғлиқ.

Ушбу замонавий технология куйдаги элементларни ташкил топган:

- таълим берувчи;
 - таълим олувчи;
 - таълим шакллари;
 - таълим максади;
 - кутялаётган натижа;
 - таълим методлари;
 - таълим воситалари;
 - назорат ва баҳолаш.
- Элементлардан энг асосийси максал ва кутялаётган натижадир.
- Ўқув жараёнини лойихалаштириш куйдаги уч боскичдан иборат:
1. Ўқув методлари ва натижаларини белгилаш.
 2. Натижалар асосида назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.
 3. Ўқув жараёнининг технологик харитаси (дарс ишланмаси харитаси)ни ишлаб чиқиш.

9.1. ЛОЙИХАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСКИЧЛАРИ

Технологик технологияни танлаш ва уни лойихалаштириш ишлари куйдаги боскичлар билан амалга ошириш мумкин:

Биринчи боскич – “Ўқитишда янги технологиянинг янги асослашиши” тўпламини ишлаб чиқиш. Унга қуйидагилар кирди:

1. аниқлик (боскиччи) максал, ўқувчи-тағабаларнинг қандай фаолият тахлили, таълим максади, вазифалар тасвифи, маъмур боғалар гуруҳининг ёшга доир қирқалишлари;

2. малака ва широкларга, технология концепцияларига қандай қандай аниқ бир педагогик технологияни танлаш, уни амалга ошириш тахминлари;

3. маъмур таълим соҳаси доирасида таълим усулини қандай модульлар, ўқув элементларини ажратиб чиқиш, қандай ўқитишнинг мантқий қизмаси (ўқув дастурлари ва баҳолаш модули счимларда);

4. ўқув жараёни махсулоти ривожланишининг аниқ бир қандай широкларда;

Маъмур боскич – “Маъмур дидактик модульлар қандай технология амаллар” тўпламини ишлаб чиқиш. Бундан технологияни жараёнига тоифа бўлганлиги учун қандай қандай метрри белгиланган боскичлар қиради. Бу қирадларнинг кетма-кетлиги таълим жараёни қандай қандай мантқийни ташкил этади.

Иккинчи модуль (ИМ) – таълим-тарбия жараёнининг қандай қандай элементларининг вақтга кесмалари йитилди қандай қандай дастурлангани ва лойихалаштирилиши. Бундан технология ҳамда вазифаларга куйдагилар қиради:

1. қандай жараёнига мос келадиган ташкилий шакллари

• мазкур ДМда ишлаш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни фаоллаштириш, мана изланиш — тапқилый иш ва уни тапқиллаштиришни хусусиятлари;

• хар бир ўқувчи-талаба (тарбияланувчи)ни мазкур ДМни ўзлаштиришга тайёрлаш;

• дидактик жараённинг максалди компонентларини шакллантириш учун материалларни тайёрлаш ва ланни ҳамда кейинчалик уни ДМ мазмунига киритиш;

• таълимга оид билим блоklarини ўзлаштириш ва мустақил билиш фаолити оркали янги билимларга яна бўлиш;

• таълим тайёрларлик сифатининг негизига етишиш учун зарур бўлган аниқ бир ўқув материални ўзлаштириш (таълим негизи ДМ доирасида бир вақтнинг ўзида бошланиб, кейин тугатишни талаб қилади);

• ўқувчи-талабаларга берилаётган юкларнинг ҳамми ва даражасини текшириш ҳамда мазкур ДМ учун зарур бўлган ўқув вақтини гипотетик ҳисоблаб чиқиш;

• алоҳида ўқувчи-талаба (тарбияланувчи)лар учун ўқув материални кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконининг (ўқув жараёнини кўп поғонали табақалаш);

• мустақил билиш йўлини белгилаб олиш ва хар бир ўқувчи-талабанинг ўқув материални ўзлаштириши (ўқув жараёнини бошқариш учун педагогик маълумотини холислити).

Учинчи босқич — “Мазкур дидактик модуль учун педагогнинг методик воситалари” тўпламини ишлаб чиқиш. Таълим-тарбия жараёнини лойихалаштириш ва амалга оширишда ўқитувчи методик воситаларининг дидактик ва методик бойитилиши, тизимлаштирилиши ва амалий йўналтирилишига катта эътибор берилган. Технологія ўқитувчида таълим жараёнини мантикий тўқунинг сингари тасавуруларини шакллантиради. Туълани микромаксаллар сони бўйича гуруҳларга бўлинадиган дара

жаруҳларнинг таълим мақсадлини лойихалаштиришга таълим жараёни учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни фаоллаштириш, мана изланиш — тапқилый иш ва уни тапқиллаштиришни хусусиятлари;

• хар бир ўқувчи-талаба (тарбияланувчи)ни мазкур ДМни ўзлаштиришга тайёрлаш;

• дидактик жараённинг максалди компонентларини шакллантириш учун материалларни тайёрлаш ва ланни ҳамда кейинчалик уни ДМ мазмунига киритиш;

• таълимга оид билим блоklarини ўзлаштириш ва мустақил билиш фаолити оркали янги билимларга яна бўлиш;

• таълим тайёрларлик сифатининг негизига етишиш учун зарур бўлган аниқ бир ўқув материални ўзлаштириш (таълим негизи ДМ доирасида бир вақтнинг ўзида бошланиб, кейин тугатишни талаб қилади);

• ўқувчи-талабаларга берилаётган юкларнинг ҳамми ва даражасини текшириш ҳамда мазкур ДМ учун зарур бўлган ўқув вақтини гипотетик ҳисоблаб чиқиш;

• алоҳида ўқувчи-талаба (тарбияланувчи)лар учун ўқув материални кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконининг (ўқув жараёнини кўп поғонали табақалаш);

Учинчи босқич — “Мазкур дидактик модульда педагогнинг методик воситалари” тўпламини ишлаб чиқиш. Таълим-тарбия жараёнини лойихалаштириш ва амалга оширишда ўқитувчи методик воситаларининг дидактик ва методик бойитилиши, тизимлаштирилиши ва амалий йўналтирилишига катта эътибор берилган. Технологія ўқитувчида таълим жараёнини мантикий тўқунинг сингари тасавуруларини шакллантиради. Туълани микромаксаллар сони бўйича гуруҳларга бўлинадиган дара

мос келадиган билим ва фаолият намуналарини ўзлаштириши сифатини холисона назорат қиладиган тестлар тузиш зарур.

Бешинчи босқич — “*Таълимнинг янги технологиясини ўзлаштириши маданияти*” тўпламини ишлаб чиқиш. Ушбу технология тушунча таркибига ўзлаштиришнинг учта босқичини ифода этувчи блоklar кирadi. Булар куйидагилар:

• дидактик модулнинг манъажий чизмасини лойихалаштириш ва тузиш (ўқитишнинг режалаштириладиган натижаларига эришишнинг методик-ташқиллий шартларини таърифлаш);

• лойихани амалда қўллаш ва таълим-тарбия жараёнининг туғалланган (натижавий)лигини текшириш;

• танланган технологияни коррекциялаш.

9.2. ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДИ.

ЛОЙИХА АСОСИДА ҲИТИШИ

Бу метод интерфаол усуллардан бўлиб, ўқув максалига эришишдаги самарали методлар асосида ўқувчи-таалабаларнинг мустикал билим олишларида жуда қўл келади.

Лойиха — кўпинча иктисодий-ижтимоий йўналишда, қурилиш, илмий ишларда белгилаш ҳолатларида қўлланилган. Бу термин педагогикага XX аср бошларида кириб келган. Бундай йўналишли ўқитиш истиқболли ўқитиш методи деб қаралади. Лойиха асосида ўқитиш ўқувчи-таалабанинг мустикал ишлаши, фикрлашига асосланган. Бу ўқув махсулини олишда самарали метод бўлиб, ўқувчи-таалабанинг ўқув-билиув фаолиятини ташқил этишда кенг тавсия этилади.

Лойиха асосида ўқитиш хозирги кунда энг актуал, юкори самара берувчи метод сифатида тан олинмоқда. Дарсда лойихалар устида ишлаш аниқ социал — ижтимоий масалаларни ечишга қаратилади. Жумладан, илмий изланишларни, ахборотномаларни, амалий масалаларни ечиш ва ҳал этишда қўлайлик туғдиради.

Лойиха асосида ташқил этилган дарсларда ўқувчи-таалабалар илмий изланадилар, ечим қилдирилди — бу унинг асосий талабларидандир. Лойихали дарсларнинг бошқа дарслардан фарқи шундаки, лойихалар асосида ташқил этилган машғулотларда ўқувчи-таалабалар ўз мустикал тажрибаларига суянадилар, ечим излайдилар, ахборотларни турли манбаалардан, бир-бирларидан оладилар, олинган ахборотларни қайта ишлайдилар ва бир-бирларига етказадилар ҳамда ўзлари химоқ қилдилар. Бундай мухитда ўқувчи-таалабалар ҳамкорлик ва ҳамижодкорликни ривожлантириш, эркин фикр қоритиш, ёзиш-чизиш, ўзаро таҳлил қилиш орқали ўқув материалларини онгли равишда ўзлаштириб оладилар ҳамда ахборотларни ўзлари излаб топиб, қайта ишлаб, умумлаштириб, мустикал химоқ қилдилар.

Дарс машғулотли лойихалари индивидуал ва гуруҳларга мўлжалланadi. Якка шахста қаратилган лойихаларнинг ифрзалити шундаки, умум ўқув-билиув кўникмаларни ялғишда ўқувчи-таалабанинг ўқув-ўзлаштирув жараёнига шахсий масъулияти юкори даражада бўлади. Чунки, унинг пировард натижаси ўқувчи-таалаба шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлади. Шу сабабли, лойиха асосида ташқил этиладиган дарс машғулотлари якка ишлаш, жуфт бўлиб ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, қатта гуруҳларда мунозаралар ташқил этиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолатда иш қоритилганда ўқувчи-таалаба ўзининг барча қобилияти, ички имкониятлари ва тафаккурини ишга солади. Лойиха ечимини топишга фаол киришади.

Дарс машғулотли лойихалари ўзининг давомийлигига қариб:

- кичик лойиха (бир соат (пара)ли);
- киска мулдатли лойихалар (4-6 соат (пара)га мўлжалланган);
- хафтага мўлжалланган лойихалар;

— ўзюк муддатга мўлжалланган ўқув лойиҳалари (кўпинча бундай лойиҳалар дарсдан ташқари кўлимча таълимни амалга оширишга хизмат қилади) бўлиши мумкин.

Лойиҳаларни шакллантиришда ўқувчи-талабаларнинг эҳтиёжи, кизиқиши, хоҳиши, мақсади, қобилияти, фаолияти ва интеллекти ҳисобга олинishi талаб этилади.

Дарс машғулоти лойиҳалаштиришда ҳар бир профессор-ўқитувчи олдиди доим бир савол кўндаланг туради: ҳар бир дарснинг мақсади, вазифаси, кетма-кетлиги, изчиллиги, уни фаоллаштириш учун нима қилиш ва қандай ташқил этишни режалаштириш керак?

Дарс машғулоти мақсадини белгилаш ва уни амалга оширишда қуйидагиларга риёв қилиш зарур:

- ўқув материални танлаш;
- ўқув материални дидактик талаблар асосида ташқил этиш;
- фойдаланиладиган метод ва жараёнларни аниқлаш ва жиҳозлаш;

- ўз фаолиятини ташқил эта олиш;
- ўқувчи-талаба шахси ва гуруҳларда иш фаолиятини ташқил этиш.

Лойиҳа асосида ташқил этиладиган дарс машғулотлари ташқилий жиҳатдан пухта ўйланган, сифатли, ишчанлик муҳитида ўқувчи-талабаларни жараёнга кизиқтира оладиган тарзда лойиҳалаштирилиши керак. Ўқув жараёнини лойиҳа асосида ташқил этишда профессор-ўқитувчи фаоликтида иш юритувчи эмас, балки кенг камровли ижодкор раҳбар сифатида иш олиб бориши талаб этилади. Бунда ўқитувчи дарс машғулотини олиб борувчи лойиҳа раҳбари сифатида юкори маланиятли, ижодкор, изланувчан, ташқилотчи бўлмочи керак. Шу билан бирга, филолийлик кўрсатиши, ўқувчи-талабани руҳлантириши, уларни кизиқтириш орқали пировард мақсадга эришиши талаб этилади.

Лойиҳалар ўқувчи-талаба шахсига қаратилиб, унинг шахсий ривожланишига хизмат қилиши керак. Лойиҳа

асосида ташқил этиладиган дарс машғулотлари ва унга сарф этиладиган ташқилий ишлар, бериладиган вақт, тўғри йўлга солувчи саволлар олдидан режалаштирилиши лозим. Бундан ташқари, дарс машғулоти жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган камчиликлар, ҳатолар, уларнинг олдини олиш, жараёнинг ташқилий томонлари ҳам олдидан ҳисобга олинishi керак. Умуман, лойиҳали дарс машғулотларини ташқил этиш жуда мураккаб жараён, бунда ҳар бир ўқувчи-талабанинг мустақил ишлашини ташқил этиш асосий муаммо ҳисобланади. Яъни қайси вазифаларни дарс машғулотини олиб борувчи белгилайди, қайсиларини ўқувчи-талабаларнинг ўзлари ҳал этадилар ҳамда қайсиларини ўзаро ҳамкорликда амалга оширилишини олдидан кўра билishi керак.

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлаши қўлгина омилларида боғлиқ, жумладан, уларнинг ёшига, шахсий қарикатларида, мойиллигига, истак-хоҳишларида, илғари лойиҳа асосида ишлаган-ишламаганлигига, лойиҳа мазмунининг мураккаблигига, гуруҳларда иштирок этувчиларнинг ўзаро муносабатларида боғлиқ бўлади.

Қуйида дарс машғулоти жараёнини лойиҳа асосида ташқил этиш босқичларини келтирамиз:

- 1) мавзуга доир материаллар тўплаш;
- 2) таълим мақсади ҳамда вазифаларини белгилаш;
- 3) таълим мазмунини ишлаб чиқиш;
- 4) таълим шакли, методи ва воситаларини танлаш;
- 5) тушунча, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштириш учун таълим олувчи томонидан сирфланадиган вақт бирлиги (регламент) ҳисобини олиш;
- 6) ҳар бир босқич натижаларини олиш учун машиқ ва мисоллар тизимини ишлаб чиқиш;
- 7) назорат олиб бориш, тест ва саволларни ишлаб чиқиш, баҳолаш;
- 8) лойиҳани дарс машғулоти жараёнига татбиқ этиш;

9) дарс машғулотни жараёнини олиб бориш ва яқунлаш механизминини аратиш.

Лойиха асосида дарс жараёнини олиб боришда тузилган лойиха ўқувчи-талабанинг ёшига, қобилияти ва ўзлаштира олишига мос бўлиши керак. Шу билан бирга, дарс жараёнини лойиха асосида ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Ўқув предмети мавзуси ва мазмунинини танлаш.

2. Дарснинг ўқув-мавзуси юзасидан ягона умуммақсадни белгилаб олиш.

3. Дарснинг ўқув мазмунини ишлаб чиқиш, бериладиган назарий ва амалий bilimларни белгилаш.

